

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитасининг
2024-йил "24" - декабрдаги
126-ч/2 -сон буйруғига
4 - Илова

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий
аппарати, республика тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармаларида
алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб
тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш**

РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати (*кейинги ўринларда – Кўмита*), республика тизим ташкилотлари вилоят бошқармалари, (*кейинги ўринларда – Тизим ташкилотлари*)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Кўмита ва тизим ташкилотларидаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишларнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Кўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – Кўмита ва тизим ташкилотларига телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқасидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, кимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Кўмита ва

тизим ташкилотлари ходимлари томонидан юкори даражада касбий ва ахлокий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Тузилма номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий харакатларни содир этиш хавфи;

манфаатлар тўкнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Қўмита ва тизим ташкилотларининг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

махсус бўлима – Қўмита ва тизим ташкилотларидаги коррупцияга қарши курашиш бўлимлари ва (ёки) мутахассислари, коррупцияга қарши курашиш вазифаси юклатилган ходимлар;

мурожаатчи – алоқа каналлари орқали Қўмита ва тизим ташкилотларидаги коррупциявий ҳагги-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

таалуқли хабар – Қўмита ва тизим ташкилотларидаги коррупциявий харакатлар ва (ёки) манфаатлар тўкнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – Қўмита ва тизим ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Қўмита ва тизим ташкилотлари коррупциявий харакатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфиденциаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга руҳсат берилган Қўмита ва тизим ташкилотларининг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошқор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошқор қилган бўлса, Қўмита ва тизим ташкилотлари унинг ошқор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – Тузилма алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъкиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Қўмита ва тизим ташкилотлари ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Қўмита ва тизим ташкилотлари томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Қўмита ва тизим ташкилотлари айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Таалуқли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари орқали;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Қўмита ва тизим ташкилотларининг телеграм боти орқали;

Қўмита ва тизим ташкилотларига оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Қўмита ва тизим ташкилотлари алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Қўмита ва тизим ташкилотлари биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш

7. Қўмита ва тизим ташкилотларининг махсус бўлинмалари алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

8. Қўмита ва тизим ташкилотларининг қуйидаги алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом” ва Қўмитанинг 2018-йил 11-майдаги 11-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати ва кўмита тизимидаги Республика ва ҳудудий ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Кўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Кўмита ва тизим ташкилотларининг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Кўмита ва тизим ташкилотларининг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Кўмита ва тизим ташкилотларига оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Кўмита ва тизим ташкилотларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун махсус бўлинманинг масъул ходими тайинланади.

Бунда, таалукли хабар келиб тушганда Махсус бўлинма масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Кўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарига киритади.

Махсус бўлинма масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунда аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфиденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар таалукли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Кўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари таалукли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Кўмита ва тизим ташкилотларининг махсус бўлинмага топширик туширади.

12. Кўмита ва тизим ташкилотларининг Махсус бўлинмаси таалукли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Кўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. Кўмита ва тизим ташкилотлари мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Кўмита ва тизим ташкилотларининг масъул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Қўмита ва тизим ташкилотларига келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги хақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилади (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги махфий чат ва.б.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

14. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашни тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

15. Олинган хабарлар бўйича барча таалукли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш тузилмасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

16. Таалукли хабар Тизим ташкилотларининг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда ҳудудий (таркибий) бўлинма раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулни (мавжуд бўлса) келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қилади, улар ўз навбатида ушбу хабарни Тизим ташкилотлари марказий аппаратининг Махсус бўлинмасига юборади. Махсус бўлинма олинган хабарни 11-бобида баён этилган тартибга мувофиқ кўриб чиқади.

17. Тизим ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар хақидаги хабарларни кўриб чиқиш

18. Махсус бўлинмага келиб тушган барча таалукли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

19. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқини жараёнига, ҳаракатлари устидан таалукли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

20. Таалукли хабар келиб тушганда Махсус бўлинма ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалуклилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Қўмита ва тизим ташкилотларига таалукли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш таалукли хабар Махсус бўлинмага келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

21. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

22. Агар Махсус бўлинма ходими хабар таалукли эмас деган хулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида Қўмита ва тизим ташкилотларининг тегишли бўлинмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

23. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Махсус бўлинма ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

24. Таалукли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Қўмита ва тизим ташкилотларига келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, Қўмита ва тизим ташкилотларининг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

25. Мурожаатга жавоб Махсус бўлинма томонидан тайёрланиб, Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

26. Таалукли хабарларни кўриб чиқиш яқунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

27. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалукли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

5-боб. Ҳисобдорлик

28. Реестрдан Махсус бўлинма ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва Қўмита ва тизим ташкилотларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари ёки раҳбарнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринбосари фойдаланиши мумкин.

29. Реестр маълумотлари асосида Махсус бўлинма ҳар чоракда Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга таалукли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган таалукли хабарлар ва кўриб чиқилган таалукли хабарлар сони;
коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалукли хабарлар сони;

кўриб чиқиш муддатлари бузилган таалукли хабарлар сони;

таалукли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

6-боб. Яқуний қонда

30. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

31. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

